БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 295 (16.681). | 20 декабрь 1976 йил, душанба | Баҳоси 2 тийин.

**Совет халқининг содиқ фарзанди, Коммунистик партия, Совет давлати ва халқаро коммунистик ҳаракатнинг атоқли арбоби, тинчлик ва социал тараққиёт учун оташин курашчи, изчил марксчи-ленинчи ўртоқ Леонид Ильич Брежнев етмиш ёшга тўлди. Шу муносабат билан кеча унга Ленин ордени ҳамда Совет Иттифоқи Қаҳрамонининг иккинчи «Олтин Юлдуз»и, СССР Давлат гербининг олтин тасвири туширилган Фахрий қилич тантанали вазиятда топширилди. КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг муборак юбилейи партия билан халқ бирлигининг ёрқин намойишига айланди.**



МОСКВА. 1976 йил 19 декабрь. Катта Кремль саройи. Суратда: КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневга Ватаннинг юксак мукофотларини топшириш пайти. ТАСС—ЎзТАГ телефотоси.

# ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВГА ВАТАННИНГ ОЛИЙ МУКОФОТИ ТОПШИРИЛДИ

19 декабрда Катта Кремль саройида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневга Ватаннинг олий мукофоти — Ленин ордени ва Совет Иттифоқи Қаҳрамонининг иккинчи «Олтин юлдуз» медали тантанали вазиятда топширилди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев коммунистик қурилиш соҳасида Коммунистик партия билан Совет давлати олдидаги жуда катта хизматлари, халқлар тинчлиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш йўлидаги актив, самарали фаолияти учун, Улуғ Ватан урушида немис-фашист босқинчилари устидан қозонилган Ғалаба ишига, Совет Иттифоқининг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашга шахсан катта ҳисса қўшганлиги учун ҳамда туғилган кунига етмиш йил тўлиши муносабати билан шу мукофотга сазовор бўлди.

Мукофотни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний топширди. Мукофотни топшириш маросимида Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, Ф. Д. Кулаков, Д. А. Кунаев, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Г. В. Романов, М. А. Суслов, Д. Ф. Устинов, В. В. Шчербицкий, Г. А. Алиев, П. Н. Демичев, П. М. Машеров, Б. Н. Пономарев, Ш. Р. Рашидов, М. С. Соломенцев, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, М. В. Зимянин, К. У. Черненко, Я. П. Рябов ўртоқлар, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг Раиси Г. Ф. Сизов, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, СССР мудофаа министрининг ўринбосарлари, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти Бош сиёсий бошқармасининг бошлиғи ҳозир бўлдилар.

Залда социалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партияларининг Москвага келган раҳбарлари — Эдвард Герек, Густав Гусак, Тодор Живков, Янош Кадар, Рауль Кастро, Эрих Хонеккер, Юмжагийн Цеденбал, Николае Чаушеску ўртоқлар бор эдилар.

Мукофотни топшириш маросимида ўртоқ Н. В. Подгорний нутқ сўзлади.

## Ўртоқ Н. В. ПОДГОРНИЙ нутқи

Азиз Леонид Ильич!
Азиз ўртоқлар!
Дўстлар!

Бугун биз Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, ўртоғимиз ва раҳбаримиз — Леонид Ильич Брежневни етмиш ёшга тўлган кунида тантанали муборакбод қилмоқдамиз. КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг табригида унинг ҳаёти ва фаолияти ҳар томонлама ва тўла акс эттирилган, коммунистик бунёдкорлик вазифаларини ҳал этишга, инсониятнинг тинчлиги ва социал тараққиёти учун курашга қўшган жуда катта ҳиссаси очиб берилган. Леонид Ильич Коммунистик партия ва Совет давлати олдидаги жуда катта хизматлари учун Ленин ордени ва Совет Иттифоқи Қаҳрамонининг иккинчи «Олтин Юлдузи» медалига сазовор бўлди. **(Узоқ давом этган қарсаклар).**

Азиз ўртоқлар, юбилярimizни туғилган куни, Ватаннинг олий мукофотлари билан қизғин ва самимий муборакбод қилишга рухсат этгайсиз. **(Давомли қарсаклар).**

Леонид Ильич Брежневнинг юбилейи — унинг ҳаётидаги оддий бир муҳим сана эмас. Бу юбилей — партия, давлат, бутун совет халқи учун катта бир воқеадир, совет халқи бу юбилейда ҳақли равишда ўзининг мўътабар раҳбарини кўради. Барча республикалар, ўлкалар ва областлардан, улуғ Ватанимизнинг ҳамма чеккаларидан табрик ва қутловлар оқими узлуксиз келиб турибди. Социалистик давлатларнинг изчил интернационалист-ленинчи, кескинликни юмшатиш ва тинчликнинг ҳақиқий меъмори, замонамизнинг атоқли сиёсий арбоби — Леонид Ильич Брежневга берган юксак мукофотлари, қардош социализм мамлакатлари раҳбарларининг тантанамизда иштирок этаётганликлари, шунингдек, жаҳондаги бошқа кўпгина давлатлардан келган қизғин қутловлар ва яхши истаклар бугунги юбилейимизга чинакам халқаро аҳамият касб эттирмоқда.

Азиз Леонид Ильич, шонли ленинчи партиямиз сафига кирганлигингизга қирқ беш йилдан ошган бўлса, Сиз ҳамиша олдинги маррада, жанговар сафда, энг қийин участкаларда туриб келмоқдасиз. Мамлакатимиз ҳаётидаги достон бўларли босқичлар — биринчи беш йилликлар, Улуғ Ватан урушининг оловли йўллари, урушдан кейинги вайронагарчиликларни тиклаш, бўз ерлар эпопеяси, ривожланган социализм зафарларининг улуғворлиги ва кўлами Сизнинг ёрқин, қаҳрамонона таржимаи ҳолингизнинг шонли саҳифалари бўлиб қолди. Металлург ишчидан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари лавозимига қадар босиб ўтган йўлингиз коммунистик ғоявийлик, юксак партиявийлик, улуғ ишимизга чексиз садоқат намунасидир. **(Қарсаклар).**

Биз ажойиб замонда — коммунистик маданият яратиш, халқларнинг тинчлик ва тараққиёт учун кураши кучайиб бораётган, улуғвор революцион ўзгаришлар, буюк социал силжишлар замонида яшаб турибмиз. Дунё муттасил ўзгариб бормоқда, ўзгарганда ҳам яхшиликка, меҳнаткашлар фойдасига, социализм фойдасига ўзгармоқда. Шу буюк замонда коммунист, буюк замонамизнинг илғор инсоният олдида бораётган энг қудратли сиёсий ташкилотига, Ленин партиясига мансуб бўлиш шарафи ва масъулияти юксакдир.

Сиз, Леонид Ильич, ўн икки йилдирки, партиямизнинг жанговар штаби — Марказий Комитети билан Сиёсий бюросига бошчилик қилиб келяпсиз, замонамизнинг энг муҳим вазифаларига мос сиёсий стратегияни ишлаб чиқишга ҳамма куч, билим ва тажрибаларингизни сарфлаяпсиз. Бунёдкорлик ва тинчлик стратегияси бўлмиш ана шу стратегия КПСС Марказий Комитетининг партия XXIII, XXIV ва XXV съездларига Ҳисобот докладларида, Сизнинг Пленумлардаги нутқларингизда, бошқа асарларингизда тўла мужассамланди ва улар марксизм-ленинизм хазинасига қўшилган катта ҳисса бўлиб қолди. Сизнинг сиёсий раҳбар, омманинг ташкилотчиси сифатидаги истеъдодингиз партиянинг улуғвор режаларини амалга ошириш ишига тўла-тўкис хизмат қилиб келмоқда. Бугунги кунда мамлакат ҳаётининг қайси соҳасини олмайлик, ҳамма ерда самарали ўзгаришлар борлиги кўриниб турибди. Шу ўзгаришлар — сиёсий йўлнинг қонуний якуни бўлиб, совет кишилари бу якунларни ленинчи партиямиз, унинг Марказий Комитети, Сиёсий бюроси, Сизнинг номингиз, Сизнинг самарали фаолиятингиз билан ҳақли равишда боғлаяптилар. **(Давомли қарсаклар).**

Леонид Ильич, партия билан халқ бирлигини ва метиндек жипслигини мустаҳкамлашга қўшган ҳиссангиз бебаҳодир. Ўтган йилларда партиямизнинг сафлари ўсди. Партиянинг роли бекиёс даражада кўтарилди, жамият ҳаётидаги йўналтирувчи таъсири кучайди. Ленинча услубни, партия ва давлат иши принциплари ва нормаларини, коллектив раҳбарликни, ҳамма масалаларни ҳал этишда коллегиячиликни қарор топтиришда асосий хизмат қилган киши ҳам Сизнинг ўзингиздир. Юксак ғоявийлик ва ишчанлик, принципиаллик ва масъулиятлилик, ташаббус ва активлик, кишиларга ўртоқларча муносабатда бўлиш, ижодий кайфият — ҳозирги кунларимиз учун, биз меҳнат қилаётган ва яшаётган вазият учун айниқса характерли хислатлардир.

Халқимиз социалистик индустрияни ривожлантиришда, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ўзгартиришда, фан-техника тараққиёти ютуқларини эгаллашда, мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашда эришган катта-катта муваффақиятлар, совет кишиларининг фаровонлиги муттасил ўсиб бораётганлиги партиямиз олиб бораётган сиёсат тўғрилигининг, биз бораётган йўл ҳаётий кучининг яққол далилларидир. **(Қарсаклар).**

Кейинги йиллар социалистик ҳамдўстликни, жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракатини жипслаштириш борасида қўйилган янги катта-катта қадамлар билан нишонланди. Сизнинг қардош мамлакатлар раҳбарлари билан доимий, ниҳоятда самарали учрашув ва мулоқотларингиз мана шу ишда бебаҳо роль ўйнамоқда.

Самарали ўзгаришлар халқаро муносабатлар доирасига ҳам тобора кўпроқ ёйилиб бормоқда. Халқаро муносабатларни адолат, тенглик, яхши қўшничилик асосларида тубдан қайта қуриш негизлари қўйилиб бормоқда. КПССнинг XXIV съездида қабул қилинган ва XXV съездида ривожлантирилган Тинчлик программасини ишлаб чиқиш ташаббусчиси ҳам айни ўзингиз бўлдингиз. Кескинликни юмшатиш сари кескин бурилиш, дунёда ижобий ўзгаришлар амалга оширилиши учун айниқса актив ва астойдил кураш олиб бориш даврининг сарчашмаларида ҳам айни ўзингиз турдингиз. Партия ва давлатимизнинг социалистик ҳамдўстлик, барча прогрессив, демократик кучлар қўллаб-қувватлаган кўпдан-кўп тинчликсевар ташаббуслари ва ҳаракатлари планетамиз сиёсий иқлимини сезиларли даражада юмшатмоқда, мамлакатлар билан халқларни бир-бирларига яқинлаштирмоқда, инсониятнинг эртанги кунига ишонч бағишламоқда.

Сиз, Леонид Ильич, замон тақозосини англай оладиган, миллионларнинг энг муҳим талабларини чуқур тушуниб етиб, конкрет режаларга айлантира биладиган, шу режаларни бажаришга партияни сафарбар эта оладиган раҳбар коммунист санъатини тўла йўсинда эгаллаган бир кишисиз. Бугунги кунда мамлакатимизнинг ҳаётида, меҳнат аҳлининг қисматида муҳим аҳамиятга эга бўлган ва Сиз салмоқли ҳисса қўшмаган бирон воқеани айтиш қийин. Коммунистик бунёдкорлик ишидаги янги шижоаткор режалар бўлсин, халқлар тараққиёти йўлидаги Хельсинкидаги кенгаш ёки коммунистларнинг яқинда Берлинда ўтказилган анжумани каби тарихий босқичлар бўлсин — ҳамма ерда Сизнинг иштирокингиз ишнинг муваффақиятли чиқишини белгилаб бермоқда.

Леонид Ильич, Сизнинг чексиз обрў-эътиборга ва чинакам умумхалқ ишончига сазовор бўлишингизнинг ҳаётбахш манбаи ва «бутун сири» шундаки, Сизнинг ишларингиз — амалий, реал, салмоқли ишлардир. **(Қарсаклар).**

Устозларимиз, марксизм-ленинизмнинг асосчилари дунёни революцион тарзда янгилашдаги муваффақиятни сиёсий раҳбарлар, халқнинг илғор вакиллари фаолияти билан чамбарчас боғлаб келганлар. Владимир Ильич Ленин сўзсиз, шубҳасиз обрўлик киши революцион анъаналар ва революцион ғайрат, кенг сиёсий билим ва ташкилотчилик истеъдоди соҳиби бўлган доно курашчи обрў-эътиборининг, ҳамма эътироф этган шак-шубҳасиз обрў-эътиборнинг жуда катта аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтган эди. Сизнинг раҳбарлигингизда ишлаш шарафига муяссар бўлган ҳар бир киши, Леонид Ильич, Сиз шу фазилатларни ўзингизда узвий ва тўла мужассамлаштирган кишисиз, деб айта олади. **(Қарсаклар).** Партиянинг бебаҳо бойлиги бўлган Сизнинг обрў-эътиборингиз халқ фаровонлиги, тинчлик, демократия ва социал тараққиёт манфаатларига кун сайин зўр куч билан хизмат қилмоқда.

Азиз Леонид Ильич, Сизни шонли юбилейингиз билан яна бир карра қизғин муборакбод қилишга рухсат этгайсиз. Сиз бу юбилейни ижодий куч-ғайратга, кўп томонлама буюк тажрибага тўлиб, партиявий донишмандлик, революцион оптимизм билан кутиб олаяпсиз. Сизга сидқидилдан кўп йиллар сиҳат-саломатлик, инсониятнинг келажак йўлини очиб бераётган буюк Ленин партиясига бош бўлиб тарих майдонида самарали ишлашингизни тилаймиз. **(Давомли қарсаклар).**

Мукофотларни топширишга рухсат этгайсиз.

**Н. В. Подгорний ҳозир бўлганларнинг гулдурос қарсаклари остида Леонид Ильич Брежневга Ленин ордени ва «Олтин юлдуз» медалини топширди.**

* * *

**Ўртоқ Л. И. Брежнев жавоб нутқи сўзлади.**

## Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Азиз ўртоқлар!

Ҳурматли дўстлар!

Бугунги мукофотни мен алоҳида туйғу билан қабул қиламан. Ҳеч биримиз учун севикли Ватаннинг миннатдорчилигидан юқори мукофот, бундан ортиқ шараф бўлмайди. Азиз ўртоқларим, сизларнинг менга йўллаган табрикномангиз тўлқинлантирувчи сатрларини ва фармон текстини бугун газеталарда ўқиб ва Николай Викторовичнинг ҳаммангиз номингиздан ҳозиргина бу ерда айтган самимий сўзларини эшитиб, буни айниқса чуқур ҳис этдим. **(Қарсаклар).**

Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига иккинчи марта сазовор бўлишдек чинакам буюк шараф менга насиб этгани учун Коммунистик партияга, унинг Марказий Комитетига, Марказий Комитетнинг Сиёсий бюросига, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматига чин кўнгилдан миннатдорчилик изҳор этмоқчиман. **(Қарсаклар).**

Умримнинг ҳар куни Коммунистик партиямиз, Советлар мамлакатимиз яшаб келган ва яшаётган ишлар билан чамбарчас боғлиқ бўлганлиги туфайли фахрланаман. **(Қарсаклар).**

Партиянинг ишончи, халқнинг ишончи мен учун ҳамиша ҳамма нарсадан аъло бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. **(Қарсаклар).** Бинобарин, бугун мукофотни — Ленин ордени билан қаҳрамонлик олтин юлдузини қабул қилар эканман, бу мукофот партияга берилган мукофот эканлигини, чунки менинг бутун кучим, бутун умрим партияга бағишланганлигини бутун жон-таним билан англаб турибман. **(Давомли қарсаклар).**

Ўртоқлар, биз мукофотлар учун ишламаймиз, аммо ишингга юқори баҳо берилса — ҳамиша катта қувонч келтиради. Айни вақтда мамлакат олдида, халқ олдида қўшимча масъулият, янада катта бурч туйғуси юзага келади.

Мени ҳам ҳозир шундай туйғу чўлғаб олган. Аммо бунинг ёнига яна бошқа нарса ҳам қўшилмоқда. Ҳозир партия менга ишониб топширган лавозимда туриб, Ватаннинг таҳсинига сазовор бўлсанг (мен бу таҳсинга ҳозиргина топширилган мукофотдан ташқари совет кишиларининг партиямиз билан давлатимиз фаолиятини, менинг бу фаолиятга қўшган ҳиссамни маъқуллаб, эзгу тилаклар айтиб юборган минг-минглаб мактубларини ҳам қўшаман), демак, ўртоқлар, сизлар билан биз партия съездлари қарорларини ижро этиш юзасидан ўтказаётган сиёсат — мамлакат қудратини янада мустаҳкамлаш, халқ фаровонлиги ва маданиятини янада ошириш сиёсати, пролетар, социалистик интернационализм ва мустаҳкам тинчлик учун сабот билан курашиш сиёсати — тўғри сиёсат, деган маъно келиб чиқади! **(Давомли қарсаклар).** Бундан буён ҳам биз шу йўлдан қатъият билан бораверамиз!

Яна бир неча кундан кейин биз Улуғ Октябрнинг олтмиш йиллиги йилига қадам қўямиз. Партиямиз билан халқимиз шу йиллар мобайнида қилган ишларга назар ташлаб, биз чинакам улуғвор ютуқларга эришдик, дея оламиз.

Совет кишилари неча ўн йиллардан бери бир синф иккинчи синфни эксплуатация қилиши, бировларнинг бошқалар меҳнати ҳисобига бойлик орттириши нималигини билмай келмоқдалар. Улар ишдан ҳайдалган ва бошқа иш топиш имконияти бўлмаган инсоний ночор-нотавон аҳвол нималигини билмайдилар. Беморга врач ёрдами бериш ёки болаларни ўқитиш имкони йўқлиги, чунки, бунинг учун пул тополмаслик нималигини билмайдилар. Совет кишилари буларнинг ҳаммасини кўпдан бери билмай келмоқдалар ва ҳеч қачон билмайдилар ҳам. **(Қарсаклар).**

Социализм туфайли озод бўлган халқнинг буюк куч-ғайрати мўъжизалар яратди. Миллион-миллион кишилар қашшоқ ва ҳуқуқсиз бўлган, оммавий саводсизлик ҳукм сурган чор Россиясидек ўта қолоқ мамлакат шу буюк куч-ғайрат туфайли дунёнинг энг қудратли ва илғор давлатларидан бирига, кучли замонавий экономикага, юксак даражада ривожланган фанга, мукаммал техникага эга бўлган, бутун халқнинг ижтимоий ахлоқи, саводхонлиги ва маданияти мислсиз юксак даражага кўтарилган давлатга айланди. Миллион-миллион гражданлар ўз давлатининг, ўз жамиятининг ишларини бошқаришда тобора кенг ва активроқ қатнашмоқдалар. Биргаликдаги меҳнат ва курашда ғоявий-сиёсий бирлик туфайли жипслашган қудратли, толмас ва мағрур **совет халқи**, баҳодир халқ, меҳнатчи халқ, ватанпарвар халқ вояга етди. **(Давомли қарсаклар).**

Башарти халқаро ишлар тўғрисида гапирадиган бўлсак, мамлакатимиз ўзининг бутун тарихи давомида илгари ҳеч қачон дунёда ҳозиргидек обрў-эътибор ва нуфузга сазовор бўлмаган эди, чет элларда шу қадар кўп самимий ва садоқатли дўстлари ёки хайрихоҳ шериклари бўлмаган эди, десам, эҳтимол, хато қилмасман. Бу обрў-эътибор, бу нуфуз, аввало улуғ Ленин зўр ғайрат билан ўтказа бошлаган ташқи сиёсатимиз чуқур тинчликсеварлигининг натижаси, уруш хавфини ва аввало ядро уруши хавфини йўқотиш учун, қуролсизланиш учун, халқаро кескинликни юмшатиш учун сабот билан олиб бораётган курашимизнинг, халқлар озодлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилиш йўлидаги, давлатларнинг суверен ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлидаги курашимизнинг натижаси эканлиги қувончлидир. **(Давомли қарсаклар).**

Ўтган йилларнинг ҳаммаси мобайнида кўп иш қилинди, бироқ, ўртоқлар, ҳали бундан ҳам кўпроқ иш қилиниши лозим. Биз коммунистик қурилиш йўлидан нақадар олға бораверсак, биз ҳал этишга тўғри келадиган вазифалар шу қадар масъулиятлироқ бўлаберади. Халқ хўжалиги ҳажми муттасил ошмоқда. Илм-фан тараққиёти ўз талабларини ўртага қўймоқда. Бутун жамиятимиз организми бойиб ва мураккаблашиб бормоқда. XXV съезднинг бутун ишимиз сифати ва самарадорлигини ошириш тўғрисидаги талаби ҳаётнинг ўз талабидир. Бу талаб бажарилиши керак. Партия билан халқнинг бутун куч-ғайрати ҳозир шу талабни бажаришга қаратилиши лозим.

(Давоми 2-бетда).

